

музейшунослик соҳаларида малакали кадирлар тайёрлашнинг узликсиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Қарори [9]. 2021 йил 8 ноябр куни Президентимиз Айдар-Арнасой кўллари тизимида экологик барқарорликни сақлаш ва экотуризмни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб, сув ҳажми барқарорлигини таъминлаш, биохилма-хилликни асраш кераклиги таъкидланди [10]. Албатта бу чиқарилаётган қонун, қарор ва фармонлар туризм соҳасига бўлган юксак эътибордан далолат беради.

2022 йилда умумий қиймати 3,2 триллион сўм бўлган жами 82 та инвестетсия лойҳасини (1,3 триллион сўм маҳаллий ташаббускорлар, 366,4 миллиард сўм банк кредити, 46,3 миллион АҚШ доллари хорижий инвестетсия асосида) амалга ошириб, 3382 та янги иш ўрини яратиш режалаштирилган. Хусусан 38 та меҳмонхона, 14 та дам олиш маскани, 4 та санатория, 8 та котеж типдаги дам олиш мажмуаси, 176 та янги оилавий меҳмон уйи, 18 та туризм соҳасига оид бошқа лойҳалар ҳаётга тадбиқ этилади [11]. Умуман олганда туризм соҳасидаги ишлар изчил ривожланиб бормоқда, бу эса юртимиз нуфузининг дунё ҳамжамияти олдидаги ретингини янада кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

АДАБИЁТЛАР;

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатнома. [http:// www.gov.uzo](http://www.gov.uzo)
2. Rahimbayev A.O. “Turizm: nazariya va amaliyot fanidan o‘quv-uslubiy majmua” 2018 y. 10-b.
3. Usha yerda 11-b.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. «Халқ сўзи». 2006 йил 18 апрел.1-бет.
5. "Umumiy ovqatlanish tashkilotlarining faoliyatini yanada takomillashtirish va xodimlarining kasbiy darajasini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yildagi 289-sonli Qarori
6. Lex.uz
7. “Халқ сўзи” газетаси 2021 йил 10-феврал 29-сон
8. [file:///C:/Users/User/Downloads/https_yuz.uz_file_newspaper_086255203d2896b894386cbde8cd7f14.p
df](file:///C:/Users/User/Downloads/https_yuz.uz_file_newspaper_086255203d2896b894386cbde8cd7f14.pdf)
9. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 2 ноябрь 218-сон
10. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 9 ноябрь 224-сон
11. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2022 йил 15 январь 10 сон

СУД ХОКИМИЯТИНИНГ ХАКИКИЙ МУСТАКИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШДА ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АХАМИЯТИ

Кабулов Х.А.

*ю.ф.н., доцент, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
Бердақ номидаги ҚҚДУ, Нукус, Ўзбекистон
тел.: +99891 387 22 58*

Аннотация: Мақолада Янги Ўзбекистон суд тизимини рақамлаштириш йўлида олиб борилаётган сай ҳаракатлар ҳамда рақамлаштириш борасидаги ишларнинг ўзига хос хусусиятлари, соҳага оид муоммалар назарий-ҳуқуқий ва амалий жихатдан урганилиб тегишли маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Мазкур йўналишда соҳа бўйича халқаро ижобий тажриба услублари атрофлича ўрганилиб, суд тизимини рақамлаштиришнинг илғор замонвий механизмнинг афзал ижобий томонларини миллий тизимимизга тадбиқ этилиши юзасидан фикр юритилади.

Таянч сўзлар: тараққиёт стратегияси, рақамли технология, суд тизими, ҳуқуқий соҳа, рақамлаштириш, интеграция, интерактив электрон хизматлар, рақамли протоколлар, автоматик электрон почта, судга электрон мурожаат қилиш.

Annotation: The article analyzes the theoretical and legal and approximate aspects of the ongoing work on the digitization of the judicial system in New Uzbekistan, as well as the specifics of the work on digitization, the problems in the field on the basis of relevant data. In this regard, the methods of international positive experience in the field are studied in detail, and the advantages of the advanced modern mechanism of digitization of the judicial system are applied to our national system.

Key words: development strategy, digital technology, judicial system, legal field, digitization, integration, interactive electronic services, digital protocols, automatic e-mail, electronic court appeal.

Бугунги кунда, рақамли технологиялар бутун дунё бўйлаб барча соҳаларга кенг жорий этилиб, имсоният ҳаёт тарзига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишда самарали ишларни йўлга қўяётган давлатлар тез тараққий этаётгани кузатилмоқда.

Ҳукукий соҳани рақамлаштириш кучайиб бораётган даврда суд ҳокимияти ҳам ушбу ривожланишдан четда қолмайди.

Оқирги йилларда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг раҳбарлигида судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларни кенг жорий этиш бўйича ҳаракатлар янги босқичга кутарилди. Натижада, бу бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ҳамда судлар фаолиятида қонун устуворлигини, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини бермоқда.

Юртбошимиз Ш.Мирзиёев узининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида суд ҳуқуқ соҳаси ислохотларидаги «электрон ва рақамли суд» илк дастурий концепсиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўқталиб «Судлар фаолияти очиқлиги ва ошқоралигининг кучайтирилиши, «электрон ва рақамли суд» концепсиясининг самарали амалга оширилиши, судлар томонидан ўз фаолияти туғрисидаги ҳисоботни Халқ депутатлари кенгашларига тақдим этилиши, маҳалла, қорхона ва ташкилотларда сайёр суд йиғилишларининг ўтказилиши - адолатли суднинг гарови бўлишига эришишимиз лозим» - дея таъкидлаб ушбу соҳадаги ҳукукий механизмларнинг мақсад ва вазифаларининг моҳиятини асослаб очиқ берган [2: 464].

Ушбу вазифаларнинг пировард натижаси сифатида суд тизимини рақамлаштириш сиёсатини жадал амалга ошириш, бу орқали аҳолининг оғирини йенгил қилиш, ортиқча оворагарчиликларга барҳам бериш ҳамда бюрократия ва коррупция ҳолатларини камайтириш, хизматлар кўрсатишни тезлаштириш чораларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Суд фаолияти соҳасидаги ушбу ҳукукий муносабатлардаги ечимини кутаётган муомманинг шу кунга қадар ўрганилганлик даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус монографик тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаганлиги олимлар томонидан қайд этилган [15].

Ўзбекистонда Ш.Ш.Шорахметов, Ф.Ф.Мухитдинова, М.М.Мамасиддиқов, Х.Т.Маматов, З.Н.Эсанова, О.Р.Сулаймонов, Д.Ю.Хабибуллаев, Ж.М.Абдуллаев, И.Н.Заки-рова, Л.Х.Ахмедова, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев, С.А.Марипова, Х.А.Қучкаров, О.Ш.Пирматов ва Г.М.Бердимуратоваларнинг тадқиқот ишларида у ёки бу даражада фуқаролик, иқтисодий ва жиноий суд ишларини юретишнинг ошқоралигини таъминлашнинг процессуал ҳукукий асослари ҳамда жамиятда ОАВнинг ролини оширишга доир масалалар ёритилган. Бироқ мустақил Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари негизда судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари 12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура ихтисослиги доирасида яхлит тадқиқот иши сифатида илк бор тадқиқотчи Сабиров Эркинжон Қучкарбаевич томонидан тадқиқ этилган [15]. Бу эса одил судлов фаолиятида амалга оширилажак ислохотларнинг долзарблигини, илмийлиги ва давомийлигини яққол намоян этади. Айниқса янги, сирли ва кизикарли изланишларга ундайди.

Оқирги йилларда давлат ҳокимиятининг ислохотларида суд-ҳуқуқ соҳасини рақамлаштириш вазифаси алоҳида эътиборда бўлганини кўриш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисидаги” ПФ-4947-сон Фармони [3] қабул қилинди. Ушбу фармон асосида қабул қилинган қарорларнинг пировард натижаси сифатида суд тизимини рақамлаштириш сиёсатини жадал амалга ошириш, бу орқали аҳолининг оғирини йенгил қилиш, ортиқча оворагарчиликларга барҳам бериш ҳамда бюрократия ва коррупция ҳолатларини камайтириш, хизматлар кўрсатишни тезлаштириш чораларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу сабабдан Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида яна бир бор судлар фаолиятига тўқталиб “Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, “онлайн” тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилади шунингдек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши таъминланади”, дея таъ қидлаган эди [1].

Маълумки, жорий йилнинг 28 январь куни қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” – 2-чи йўналишининг 15-мақсадида суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш асосий устувор вазифалардан бири этиб белгилаб қуйилди [4], [5].

Шу муносабат билан юртимизда одил судловни таъминлаш соҳасида давлатимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонун ва қонун ости ҳужжатлари ушбу соҳата оид ҳуқуқий муносабатларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда, мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳам жаҳон андозалари талаблари асосида эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 4 сентябрда қабул қилинган “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сонли қарори суд органлари фаолиятини рақамлаштириш ва соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятга моликдир [7].

Суд ҳокимияти фаолиятида одил судловни амалга ошириш ва замонавий рақамли технологияларни қўллашда Буюк Британия тажрибасига мурожаат қилсак, уларнинг иш юритишнинг рақамли инфраструктурасига ўтиш дастури (HM Courts&Tribunals Service Digital Case System) натижасида 2015- йилдан бери шил атилган қоғоз ҳажмини 500 тоннага камайтириш, даъво аризасини топшириш вақтини 15 иш кунидан 10 дақиқача қисқартиришга эришилган. Экспертлар фикрига кўра, 2023 - йилга келиб, йилига 2 миллиондан ортиқ ишлар реал суд мажлислар залидан ташқарида ўтказилиши орқали 244 млн. фунт тежаб қолинади. Бугунги кунда Сингапур судларидаги ҳужжатлар алмашинувининг 84 фоизи электрон технологиялар орқали амалга оширилмоқда, 400 га яқин юридик фирмалар еса ягона маълумотлар базасига кириш имконига эга [13].

Бизнинг миллий суд порталларимиздан судга мурожаат қилиш учун барча ариза наъмуналарни топса бўлади. Лекин бу аризани тўлдириш жараёнида ҳар бир одамда бази бир тўлдирувчи саволлар туғулиши табиий. Мана шундай саволларга реал вақт режимида жавоб қайтаришни амалга оширувчи виртуал ёрдамчини тизимга жорий этиш орқали аризаларни тўғри тўлдирилиши орқали суд хизматчилари ва фуқароларга тизимли қулайлик ва имкониятлар яратилган бўларди.

Қайд этиш лозимки, судлар фаолиятининг рақамлаштирилиши ўз навбатида жисмоний ва юридик шахсларга янада қулайлик яратиш, тизим фаолиятида ортиқча қоғозбозликни чеклаш, олис ҳудудларда яшовчи фуқароларга масофадан судларда иштирок этиш имкониятини таъминлаш билан бирга, судлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни намаён қилишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, суд-ҳуқуқ соҳасини рақамлаштириш, авваламбор аҳолига ҳамда соҳада фаолият юритувчи ходимларга қулайлик яратиш, вақтни тежаш билан биргаликда, халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлашга ишончли асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 29 декабрь) /Халқ сўзи газетаси №276 сон. 30.12.2020
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: — O'zbekiston нашриёти, 2021, 464 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947-сон Фармони. (<https://lex.uz/docs/3107036>)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”/Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.(<https://lex.uz/uz/docs/-5841063>)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида 1-Илова 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Дастури. (<https://lex.uz/uz/docs/-5841063>)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3250-сонли қарори. (<https://lex.uz/docs/-3327998>)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарори. (<https://lex.uz/docs/-4979896>)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сонли қарорига 1-ИЛОВА 2020 — 2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш «Йўл харитаси». (<https://lex.uz/docs/-4979896>)
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б.76.

10. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюцияси 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
11. Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 1995 йил 11 сентябрдаги “Қарорларни танлаш, байта ишлаш, тақдим этиш ва ҳуқуқий ахборот излаш тизимларида архивлаштириш бўйича Р (95) Тавсияси”// Российская юстиция. 1997. № 11. - Б. 2-3.
12. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳрири. 22.01.2018 йилдаги ЎРҚ-460-сон Қонун билан тасдиқланган. <https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda yangi/yangi fpk 2018-yil 1-apreldan kuchga kiradi>.
13. Зоҳиджон Зарифов, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Ахборот технологиялари бўлими етакчи мутахассиси “Рақамли технологиялар – суд тизими самарадорлигининг омили” (<https://strategy.uz/index.php?news=1115&lang=uz>)
14. “Technological Solutions in the Work of Latvian Courts. Digitization, Business Analysis, Robotization” Jānis Dreimanis Moldova Deputy Head of Project Management and International Cooperation Section at the Court Administration. (<https://aastaraamat.riigikohus.ee/en/technological-solutions-in-the-work-of-latvian-courts-digitization-business-analysis-robotization>)
15. Сабилов Эркинжон Кучкарбаевич “Судлар фаолияти очиклигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари”. 12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. Тошкент шаҳри – 2021.
16. <https://worldjusticeproject.org/our-work/research-and-data/global-insights-access-justice-2019>
16. <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/>
17. <https://worldjusticeproject.org/our-work/research-and-data/wjp-rule-law-index-202>
18. <https://www.oecd.org/gov/open-government/>
19. <http://www.tsul.uz>
20. <http://www.lex.uz>
21. <http://www.norma.uz>
22. <http://www.gov.uz>

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ СИРИНИ ОШКОР ЭТИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Нажимов М.Ш.

ю.ф.н., доцент, Жиноий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ҚҚДУ

Нукус, Ўзбекистон

e-mail: mirlaw83@mail.ru

тел: +99888 354-47-74

Фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан кўриқланадиган сирини ошкор қилиш ЎЗР ЖК 125-моддаси бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ушбу жиноятни кўриб чиқишда бевосита фарзандликка олиш масаласига тўхтаб ўтишимиз лозим. Оила кодексининг 6 бўлими 20 боби (151-172 моддалар) айнан мазкур масалани тартибга солишга қаратилган. Унга кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларининг кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Қуйидаги шахслар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин эмас:

1) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; 2) қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб толилганлар; 3) асаб касалликлари ёки нарколепсия муассасаларида рўйхатда турувчилар; 4) Оила кодекси 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар; 5) қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

М.Ҳ.Рустамбаев фикрига кўра, “ушбу жиноят объекти оиланинг манфаатлари ва фарзанднинг нормал маънавий ривожланишидир” [Рустамбаев М.Х, 2004: 111].